

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

**5-2018**  
ОКтябрь

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

МАТЕМАТИКА

**А.МАДРАХИМОВ, С.КУКИЕВА**

Тартибли статистикаларнинг чегаравий хоссалари .....5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

**А.ДЖУРАЕВ, Р.Х.МАКСУДОВ, Ш.ШУХРАТОВ**

Пахта тозалагич кўп қиррали тебранувчи колосникларнинг параметрларини асослаш.....8

**А.АБДУКАДИРОВ, Г.АКРАМОВА**

Ностационар уч фазали фильтрациянинг чегаравий масалалари сонли ечимининг математик моделлари .....13

**С.АБДУРАХМОНОВ, И.БИЛОЛОВ**

Замонавий электрон таълим ресурсларини яратиш бўйича тавсиялар .....17

КИМЁ

**М.АХМАДАЛИЕВ, И.АСҚАРОВ**

Фурфурол асосидаги товар маҳсулотларини халқ хўжалигидаги аҳамияти (обзор) .....22

**М.ИМОМОВА, Б.АБДУГАНИЕВ**

Мотор мойларини кимёвий таркиб бўйича тўғри таснифлашда инфрақизил спектрометрни метрологик аттестатлаш дастури асосида текширишнинг аҳамияти .....26

**Ш.ТУРҒУНБОЕВ, Р.РАХМОНБЕРДИЕВА**

*Aconitum leucostomum* ўсимлигининг сувда эрувчан полисахаридлари .....29

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**М.НАЗАРОВ**

Ҳовузларда балиқчиликни ривожлантириш учун табиий озуқа базасидан фойдаланишнинг аҳамияти .....32

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

**О.С.БЕЗУГЛОВА, Г.ЮЛДАШЕВ, М.Т.ИСАГАЛИЕВ**

Қатор касалликларнинг педобиогеохимёвий асослари .....35

**Ғ.ЮЛДАШЕВ., У.МИРЗАЕВ**

Суғориладиган арзиқ – шохли тупроқларнинг антропоген омил таъсиридаги эволюцияси .....40

ИҚТИСОДИЁТ

**А.ЎРИНОВ**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш орқали аҳоли бандлигини ошириш .....44

**З.ТОЖИБОЕВ**

Иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларида табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти ҳамда экологик иқтисодиётнинг роли ва ўзаро муносабатлари тўғрисида .....48

**К.КУНДУЗОВА**

Суғурта ташкилотларида аудитнинг ўзига хос хусусиятлари .....53

ТАРИХ

**Қ.РАЖАБОВ**

Шоир Ҳамзанинг сирли ўлимига оид мулоҳазалар.....59

**О.МАҲМУДОВ**

Ali bogoni-ми ёки Alberinius? Нюанс: ал-Беруний асарларининг вропадаги дастлабки таржималарига оид айрим мулоҳазалар .....64

**Б.МИРЗАДЖАНОВ**

Туркистонда большевиклар кадрлар тайёрлаш механизмнинг шаклланиши .....69

**Н.ИСРОИЛОВ**

Амир Темур ва Тўхтамишхон муносабатлари Люсьен Кэрэн талқинида.....73

**Г.СЕЙДАМЕТОВА**

1960-1970 йилларда Қорақалпоғистонда шаҳарлар ва шаҳар аҳолисининг шаклланиши тарихига назар .....76

## ШОИР ҲАМЗАНИНГ СИРЛИ ЎЛИМИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

Қ.Ражабов

**Аннотация**

Мақолада XX аср ўзбек адабиёти намояндаси Ҳамза Ҳакимзода ўлимнинг тафсилотлари, унинг собиқ Совет Иттифоқи даврида қандай ёритилганлиги архив ҳужжатлари ва даврий матбуот материаллари асосида кўриб чиқилади ҳамда бир қатор янги мулоҳазалар билдирилади.

**Аннотация**

В статье на основе архивных документов и материалов периодической печати рассмотрены обстоятельства гибели видного деятеля узбекской литературы XX века Хамзы Хаким-заде, выдвинуты новые соображения по данному вопросу.

**Annotation**

In the article on the base of archive documents and materials of periodical press the circumstances of death of famous figure of Uzbek literature of XX<sup>th</sup> century Khamza Khakimzade are reviewed and new considerations on this subject are given.

**Таянч сўз ва иборалар:** Ҳамза Ҳакимзода, уламо, хўжалар, ОГПУ, “айблов хулосаси”, “махсус фитна”, сайёр ҳайъат.

**Ключевые слова и выражения:** Хамза Хаким-заде, улема, ходжа, ОГПУ, «обвинительный приговор», «специальный заговор», выездная коллегия.

**Keywords and expressions:** Khamza Khakimzade, ulamas, khodja, DGPA (OGPU), “conviction”, “special plot”, field commission.

Таниқли шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг Фарғона водийсидаги Шоҳимардон зиёратгоҳида фожиаи ўлдирилиши ҳақида негадир илмий жамоатчилик ўртасида сукут сақланади. Ҳолбуки, Ҳамзанинг ўлими билан Ўзбекистонда сиёсий қатағонлар бошланди.

Фарғона шаҳридан 50 км жанубда, тоғлар орасида жойлашган Шоҳимардон қишлоғи азалдан ўзининг сўлим ва хушманзара табиати билан барчани ҳайратга солиб келади. Бу ерда Муҳаммад пайғамбарнинг жияни ва куёви Ҳазрати Алининг рамзий қабри ва ҳашаматли мақбараси бўлган. Ҳазрати Али – Али ибн Абу Толиб (599-661) хулафои рошидин, яъни Ҳақ йўлидан борган тўртта халифанинг охиригиси ҳисобланади. XX асрнинг 20-йилларида Шоҳимардон нафақат Фарғона водийси, балки бутун Туркистон халқларининг муқаддас зиёратгоҳига айланган эди. Маълумотларга кўра, бу зиёратгоҳга ҳар йили июль ва август ойларининг ўзида 15 000 нафардан ортиқ зиёратчи келиб турган [1.568].

Ҳазрати Али мазорининг мутаваллийси ва унинг маслақдошлари зиёратчилардан тушадиган катта даромадга эгалик қилганлар. Шоҳимардонда ҳамда унга яқин турли шаҳар ва қишлоқларда ўзбекларнинг хўжалар тоифаси яшаб, улар мутавалли бошчилигида бу даромадлардан фойдаланишган. 1929 йилда ана шундай хўжалар (шайхлар) 300-500 нафар бўлиб, улардан фақат 60 нафари ўз оиласи билан Шоҳимардонда доимий яшаган.

Бу пайтда мазор мутаваллийси

Исмоилхўжа Саййидхўжаев бўлган [3.312-321].

1928 йил 10 августда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Йўлдош Охунбобоев, шоир Ҳамза ва Олтиариқ райони раҳбарлари Шоҳимардонга келишди. Ҳамза Шоҳимардонда бидъат ва хурофотга қарши чора ва тадбирларни амалга оширувчи комиссия таркибига инспектор сифатида киритилган эди. У ўз фаолиятини Шоҳимардондаги мазорни тугатиш ҳамда хўжаларни текин даромаддан маҳрум этишдан бошлашга қарор қилади. 1 октябрь куни Ҳамза Шоҳимардонда хўжаларни йиғиб, зиёратгоҳларнинг ҳадя ва садақаси ҳаром эканлигини мазор шайхларига дағдаға билан тушунтирди. Ҳамза хўжаларни қаттиқ сиқувга олди ҳамда милиционерлар ва батраklar ёрдамида уларга ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қилди, уларни ҳақорат қилди ва камситди. Бундан ташқари, ёш ва қони қайноқ Ҳамзанинг аёлларга бўлган муносабати ҳам аҳолининг муайян қисми ўртасида унга нисбатан норозиликни уйғотди.

Бу воқеалардан сўнг уламолар 1928 йил октябрь ойида Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитасига, 6 ноябрда эса ОГПУ нинг Фарғона округ бўлимига шикоят йўллашди. Сўнгги аризага Шоҳимардон хўжаларидан 12 киши имзо чеқди. Фарғонадаги чекистлар аризаларни текшириб, турли “хуфиялар ва кулоқлар” орқали Ҳамзанинг ҳақиқатан ҳам

Қ.Ражабов – ЎзР ФА Тарих институти грант раҳбари, тарих фанлари доктори, профессор.

Шоҳимардон шайхлари ва хўжаларига нисбатан зўравонлик сиёсати юритганлигини аниқлашди.

ОГПУ Фарғона округ бўлими бошлиғи Денисов ва 1-бўлим бошлиғи Баланин имзоси билан тайёрланган ҳамда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги мухтор вакили Бельскийга юборилган, нусхалари эса Ўзбекистон ГПУ раиси (Самарқанд) ва Фарғона округ партия комитетининг масъул котиби Шермухамедов номларига жўнатилган махсус маълумотномада бу ҳақда шундай дейилади: “Биз ўз вакилимизга Ҳакимзодани Шоҳимардондан чақириш ва унга мазкур ишни эҳтиёткорлик билан олиб бориш тўғрисида кўрсатма бердик. Ҳакимзода бизнинг вакилимиз билан суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан топшириқ олганлиги ва гўё унинг ташвиқотидан кейиншайхлар, ўз хоҳишларига кўра мазорни ташлаб кетмоқчи бўлганларини айтди.

Ҳакимзода биз билан музокарадан сўнг Шоҳимардонга бориб, шайхларни йиғди ва уларни сўкиб, шикоят қилганлари учун ҳаммаларини қаматтираман, деб дўқ-пўписа қилди, уларни ўзининг хатти-ҳаракатига жавобан қилган шикоятларини рад этувчи аризани ёзишга мажбур этди. Шундан кейин Ҳакимзода тахминан 25-80 нафар камбағал батрақларни йиғиб, улар билан бирга мазорга борди, шайхларни у ердан қувиб, улар ўрнига камбағаллар, девоналар ва бошқаларни жойлаштирди. Ўша куни ОГПУ Фарғона округ бўлимига Шоҳимардондан барча шайхлар номидан битилган ариза билан ўнга яқин шайхлар келишди” [4.50-59].

Бу воқеалардан кейин бир гуруҳ шайхлар ва хўжалар Марғилонда йиғилиш ўтказиб, Ҳамза устидан Фарғона округ прокурори номига ариза ёзишга жазм этдилар. Ҳамзанинг гўё худабехудага деҳқонларни йиғиб, мажлис ўтказавериши уларнинг экин-тикин ишлари билан шуғулланишларига халақит бераётгани, на совуқ ва на иссиқ демай батрақларни ишлатиб, улар елкасини яғир қилаётгани, азиз шайхларни сўкиб, хўжаларнинг муборак авлодини беҳурмат ва бадном қилаётгани ҳақида ёзилган бу аризага юздан ортиқ имзо тўпланди. Тарихга “бир юз саккизлар аризаси” номи билан кирган иш шу тарзда майдонга келди. 1928 йил ноябрининг сўнгги кунларида Олтиариқ район милицияси ходимлари ариза юзасидан текшириш ўтказиб, уч кун давомида “шикоятчилар” билан суҳбатлашиб чиқдилар. Лекин текшириш натижасида Ҳамзага қўйилган айбларнинг кўпчилиги ёлғон бўлиб чиқди [3.327].

Ҳамза эса бунга жавобан 1928 йил 11 декабрда “Найза” тахаллуси билан “Янги Фарғона” газетасида “Шоҳимардон пўнқарғалари” деган мақолани босиб чиқарди.

Бу мақолада Валихон Хонхўжа ўғли ва Умарали Охунхўжа ўғли бошчилигидаги 18 нафар “муштумзўрлар ва текинхўрлар”нинг ишлари тилга олинган ва “юқорида номи номубораклари ёзилган зоти бебаракотларни Шоҳимардондан йўқотишни район фирқўми, ижроқўми ҳам қўшчи қўмитасидан талаб қилди” [16.238-2398]. Бу мақоланинг расмий матбуотда босилиши ҳар икки куч ўртасидаги курашни яна ҳам кескинлаштирди.

Ҳамза Шоҳимардонда 1929 йилдаги 8 март байрамини 8 нафар аёлнинг паранжидан халос этилиши билан нишонлаб, Қўқонда бўлаётган Фарғона округи ижроия қўмитасининг қурултойида қатнашиши учун 10 мартда бу ердан жўнаб кетди. У бир ҳафта давомида Шоҳимардонда бўлмади. Бу фурсатдан Ҳамзанинг ғанимлари бўлган хўжалар унумли фойдаланишган. Шоҳимардон хўжаларининг топшириғи билан Фиёсхўжа Салоҳиддинхўжа ўғли Олтиариқ район милициясига бориб, Ҳамза ва унинг котиби Абдулла Ҳотамовнинг хурофотга қарши курашда нотўғри иш олиб бораётгани ва бу ишлар совет ҳокимиятининг халқ ўртасидаги обрўсини тўкаётгани тўғрисида шикоят қилди. Милиция бошлиғи Юсуфжон Тожиёв эса унга бу маълумотларни ОГПУ органларига етказиш лозимлигини маслаҳат қилди. 17 мартда Фиёсхўжа Фарғона бозорига бориб, у ерда Мансурхон Охундхўжа ўғлини учратганида унга 18 март куни Ҳамзанинг ўлдирилажанини айтган [3.327].

Бу фикрдан оидинлашадики, Ҳамзанинг ўлими махсус хизмат ходимлари томонидан атайлаб уюштирилган. Фақат шоир чекистларнинг ўқидан эмас, балки Шоҳимардондаги хўжалар ифвоси билан унга қарши қўйилган бир гуруҳ ғазабланган оломон томонидан ўлдирилган.

Замондошларининг хотираларига кўра, Ҳамза қурултой тугагандан кейин 17 март оқшомида Шоҳимардонга етиб келди. Бу ерда уни 5 яшар ўғли Аббосхон ва хотини Комилахон Усмонова интиқлик билан кутишарди. Фожиали воқеалар 18 март куни пешин атрофларида Шоҳимардон зиёратгоҳида юз берди. Ҳамза бу пайтда Шоҳимардон зиёратгоҳига келиб, мазорга осиб ташланган турли туғлар ва қўтос думларини олиб ташлашни буюрди.

Архив фондларида сақланиб қолган Ҳамза ўлимига оид суд материалларига кўра, бу фожа судланувчиларнинг “айблов хулосаси”да қуйидагича кўрсатилган: “Ҳамза Ҳакимзода мазор томонидан “дод” деган қичқириқларни эшитгач, матлубот дўкони мудирини Муллажон Абдурахимов билан чойхонадан чиқиб, юқорига, воқеа юз бераётган томонга қараб югурди. Шу фурсат Дўсмат Шерматов уларга яқин келиб,

## ТАРИХ

Абдурахимовнинг бошига мушт билан уриб йикитди-да, унинг милтиғини тортиб олди. Бошқалар эса шу заҳоти Ҳамза Ҳакимзодани қуршаб олиб, уни зиналар ёнидаги йўлакдан мазорга қараб судраб кетишди. Биринчи бўлиб шайх Раҳмоналибой Маъмурали Ҳамза Ҳакимзоданинг олдига келиб, унинг бошига ёпишган ҳолда: “Сен мазорни буздинг. Ур, буни!” деб бақирди. Шундан кейин Алиёр қўрбошининг собиқ босмачилари Ёдгор Нуриддинов ва Болта Ёқубов Ҳамза Ҳакимзодага ташландилар ва уни уриб, ерга йикитдилар. Холдор Рустамов эса унинг юзига пичоқ тортиб юборди. Абдулла Тошев, Сотиболди Расулов, Зариф Абдумўминов, Шаропов, Узоқов, Маҳкам Шерматов ва бошқалар Ҳамза Ҳакимзодани тошбўрон қилишди... Оломон орасида ҳозир бўлган Ҳидоятхўжа Дадахўжаев, Жалолхўжа Камолхўжаев, Эшонхўжа Саййидхўжаев “Ур, уни!”, деб бақирди. Оломон Дўсмамат Шерматов билан биргаликда Ҳамза Ҳакимзодага тош отиб, тепишди...” [3.332; 11].

XX асрда ўзбек адабиёти ва санъатининг йирик арбобларидан бири – Ҳамза ана шу тарзда “махсус фитна” натижасида фожиали ўлдирилди.

Бироқ, Ҳамзанинг фожиали ҳалокатини “расмий ҳужжатлар”да холис ёритилган, деб айтиш қийин. Маҳаллий ўлкашунослардан бири Ҳамза ҳалокатининг ҳақиқий сабабларини унинг замондошлари хотираларига таянган ҳолда қуйидагича изоҳлайди: “1929 йилнинг эрта баҳорида Ҳамзани икки киши – Болта ўғри ва Ёдгор ўғри ўлдирган. Қотилликка маиший асосда келиб чиққан тўқнашув сабаб бўлган. Аммо ҳукумат органлари бу қотилликни мусулмон руҳонийлари томонидан уюштирилган фитна маҳсули тарзида халққа эълон қилдилар. Шоҳимардон ва Ёрдон қишлоқларидан 60 киши мана шу сценарий асосида жиноий жавобгарликка тортилди” [7.20].

Фожиадан кейин бир неча кун ўтгач, Олтиариқ район ички ишлар бўлими ходимлари Шоҳимардонга келиб, тергов ишларини бошлаб юбордилар. Улар томонидан 20-21 март кунлари қотилликка алоқадор деб топилган 54 нафар хўжалар ва батраклар ҳибсга олинди.

Ҳамзанинг “қотиллари” устидан суд жараёни Водил қишлоғида 1929 йил 2-29 июнь кунлари бўлиб ўтди. Тергов ва суд жараёни маҳаллий ва республика газеталарида кенг ёритилди [6;8;9;15]. Бироқ, судда хўжалар ҳам, батраклар ҳам қотилликни бўйнига олмадилар. Фақатгина 2 нафар батрак Ҳамзани ўлдиришда хўжалар ташвиқоти билан қатнашганликларини эътироф этишди. Шунга қарамай, Ўзбекистон ССР Олий Судининг сайёр ҳайъати томонидан 1929 йил 29 июнда айбланувчилардан 9 нафар

киши отиб ўлдиришга ва мол-мулкни мусодара қилишга, 4 нафар кишини 10 йилдан ортиқ қаттиқ қамоқ жазосига ва 5 йил ҳуқуқдан маҳрум қилишга, 3 нафар кишини 5 йил муддатга қамоқ жазоси ва 3 йил ҳуқуқдан маҳрум қилишга, 1 нафар кишини 3 йил муддатга қамоқ жазосига, 17 нафар кишини ижтимоий хавфли деб топиб, Ўзбекистон ва Фарғона округидан сургун қилишга ҳукм қилинди [14.335]. Судланганлардан 4 нафари айбсиз деб топилди. Ўлим жазосига ҳукм қилинганлардан 4 нафари (Жалолхўжа Камолхўжа ўғли, Ҳидоятхон Дадахўжа ўғли, Орифхон Охундхўжа ўғли, Хуррам Холиқ ўғли) Фарғона шаҳрида 4 июль куни кечқурун отиб ташланди [3.334]. Отишга ҳукм қилинганларнинг қолган 5 нафарига жазо ўзгартирилиб, улар 10 йил қамоқ жазосига, сўнгра 1 йил муддат ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан жазоланди. Аввал отиб ўлдиришга ҳукм қилиниб, сўнгра ўлим жазоси 10 йиллик қамоқ муддати билан алмаштирилган Музаффархўжа Исмоилхўжа ўғлининг бутун мол-мулки мусодара қилиниб, улардан тушган маблағ ҳисобига Ҳамзанинг рафиқаси Комилахон Усмоновага бирйўла 300 рубль берилди ва ҳар ойга 25 рубль миқдорида нафақа белгиланди, ўғли Аббос эса ҳукумат таъминотига ўтказилди [14.335].

Шуни таъкидлаш керакки, суд қабул қилган ҳукмномада 7 киши: Ҳамроқул Турсунқул ўғли, Исмоилхўжа Саййидхўжа ўғли, Музаффаржон Муҳаммаджон ўғли, Қўқонбой Тўрақул ўғли, Маъруфхўжа Охунхўжа ўғли, Иброҳимхўжа Муҳаммадшоҳхўжа ўғли, Турсунқори Муҳаммадхўжа ўғли Жиноят кодексининг 64-боби билан оқланса ҳам, ҳукмнинг баёнот қисмида кўрсатилган далилларга асосан Жиноят кодексининг 38-бобида биноан улар Ўзбекистон ССРдаги жамоат ўртасида туришлари ижтимоий хавфли топилиб, уларнинг ҳар қайсиси 5 йил муддатга Совет Иттифоқининг бошқа республикаларига сургун қилмоққа, улар хусусида ҳукм ижро этилгунга қадар Фарғона округ қамоқхонасида сақламоққа қарор қилинади [2.108-111; 10].

Кейинчалик Ҳамроқул Турсунқулов (1892-1968) нинг номи билан нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Иттифоқда машҳур бўлган бу инсон 7 кишининг биринчиси сифатида тилга олинди, ҳукмнинг баён қисмида унга шундай таъриф берилади: “32. Ҳамроқул Турсунқул ўғли. 38 ёшда. Туғилган ва истиқомат қиладиган жойи Водил қишлоғида. Миллати ўзбек. Хотуни ва 4 нафар фарзанди бор. Камсаводли. 1918 йилдан 1929 йилгача совет идораларида хизмат қилган. Фирқасиз. Кейинги вақтда идорадан тозалаш тартибида хизматдан бўшатилиб, ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўлган. Асли касби боғбонлик бўлиб, ҳозирга вақтда бошқа кишилар кучидан

фойдаланиб деҳқончилик қиладур. Бадавлат. Илгари босмачилар билан курашиб, мукофотлар олган бўлса ҳам, сўнги вақтда босмачи Нормат Махсумга ёрдам кўрсатиши хусусида жиноят иши қўзғатилган” [12].

Ҳ.Турсунқулов ҳақида собиқ совет даврида нашр этилган “Ўзбек совет энциклопедияси”да унинг вафотидан кейин 1978 йилда эса расмий равишда қуйидаги фикрлар ёзилган эди: “Колхоз ишлаб чиқариши ташкилотчиларидан бири. Уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1948, 1951, 1957). 1945 йилдан КПСС аъзоси. ЎзССР Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси фахрий академиги (1957-1961). Деҳқон оиласида туғилган. Октябрь революциясига қадар батрак, ишчи. Ўзбекистонда совет ҳокимиятини ўрнатиш ва уни мустақамлашда актив қатнашган. Водил қишлоқ совети раиси ва Фарғона округи Революцион ҳарбий кенгаши мухтор вакили (1925), Чимён волость ижроия комитети раиси (1922-1923), Чимён район “Кўшчи” союзи раиси (1925). Фарғона область Олтиариқ район сув хўжалигида ишлаган (1927-1929). “Бирлик” ва “Меҳнат” қишлоқ хўжалик артеллари ташаббускори (1929), Тошкентда район милиция бўлими оператив вакили, Тожикистонда “НКВД” совхози директори (1930-1935). 1935 йилдан бошлаб Тошкент область Янгийўл районидаги “Бирлик” (“Шарқ юлдузи”) колхозни раиси. КПСС XX-XXII съездлари делегати. 2-6-чақириқ СССР Олий Совети депутати. СССР Олий Совети Президиуми аъзоси (1958-1962), 1946 йилдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси” [13.419].

Совет даврига мансуб ҳар икки расмий маълумотлар ҳам бир-бирини тўлдириши ҳам бир-бирини инкор қилиши билан бугунги кунда кишини ҳайратга солади ва унда турли фикрлар уйғотади. Бу маълумотларда Ҳ.Турсунқулов ниҳоятда мураккаб ва зиддиятли шахс сифатида кўринади. Бир томондан, у совет ҳокимиятига садоқат билан хизмат қилган, шунинг учун ҳам ўз даврида катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган. Иккинчи томондан, у Йўлдош Охунбобоевнинг махсус топшириғи билан Фарғона водийсидаги турли кўрбошилар гуруҳлари билан шубҳали алоқаларда бўлиб турган. Хуллас, у икки томонга ҳам “холис” хизмат кўрсатган. Ҳ.Турсунқулов 1919-1920 йиллардан бошлаб чекистлар билан, яъни ВЧК, ГПУ, ОГПУ, НКВД органлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб борган. Ҳамзанинг фожиали ўлимини уюштиришда унинг ҳам “хизмати” бўлган. Фожага тааллуқли суд ҳужжатларида келтирилишича, оломон Ҳамзани ваҳшиёна ўлдиргач, энг аввало Шоҳимардондан Водил қишлоғига қараб йўлга чиққан ва бу ерда

яшовчи Ҳ.Турсунқулов олдида икки киши бориб, даҳшатли воқеа хусусида унга маълумот берган [3.333]. Умид қиламизки, шоирнинг ўлими ҳақидаги бутун тафсилотлар ҳамда бу фожидада Ҳ.Турсунқуловнинг ўрни қандай бўлганлигига кейинги тадқиқотларда ойдинлик киритилади.

Ҳ.Турсунқулов томонидан кейинчалик ўзбек ва рус тилларида ёзилган турли хотираларда Шоҳимардондаги воқеалар ва Ҳамзанинг фожиали ўлдирилиши, суд жараёни ва ўзининг сургун қилиниши ҳақида мутлақо фикр билдирилмайди. Бу давр воқеалари худди Бобур билан Убайдуллахон ўртасидаги тўқнашувлар “Бобурнома”да ёритилмагани сингари хотираларда ҳам очиқ қолади. Фақатгина Ҳ.Турсунқулов ўзининг “Ҳаётим қиссаси” китобида қуйидаги фикрларни ёзиб ўтган, холос: “Сув хўжалиги системасида, кейинчалик Тошкентга келиб милицияда ишлаб юрган пайтларимда бир неча йилгача деҳқончиликдан узоқлашишга тўғри келди. Шу вақтларда Тошкентда босмачилар яна пайдо бўлиб қолди. Мени уларга қарши курашишга юбордилар. Ниҳоят, босмачиларнинг қолдиқлари тугатилгандан кейин, мени Тожикистондаги совхозлардан бирига [“НКВД” совхозига – Муҳ.] директор қилиб тайинлашди. У ерга оилам билан кўчиб бордим... Ҳосил ҳам яхши бўлди. Бироқ, менинг саломатлигимнинг мазаси қочиб қолди. Врачлар ўз юртимга қайтишимга маслаҳат беришди. Оиламни олиб, Тошкентга кўчиб кетдим. Аммо Фарғонага бориб, туғилган қишлоғимда ишлашни орзу қилардим” [5.129].

Демак, Ҳ.Турсунқулов Фарғона водийсидан ёки Ўзбекистондан 1929 йили сургун қилинмаган. У фақат махсус топшириқ билан аввал Тошкентга милиция сафларига, кейин эса Тожикистонга “босмачилар”га қарши курашга юборилган. Чунки унинг “фаолияти” Фарғона водийсида, хусусан, Водил ва Шоҳимардонда кўпчиликка маълум эди. Кексаларнинг хотирлашларича, Ҳ.Турсунқуловни шунинг учун ҳам Фарғонада кўпчилик ёқтирмаган.

Хуллас, Ҳамзанинг ўлдирилиши Ўзбекистонда кўплаб фожиали оқибатларни келтириб чиқарди<sup>1</sup>. Шоҳимардон, Водил, Марғилон, Олтиариқ ва шу атрофда яшовчи кўплаб уламолар шоирнинг ўлимига

<sup>1</sup> Ҳамзанинг ўлимидан кейин қарийб 6 йил ўтгач, 1934 йил 1 декабрда Ленинграддаги Смольний саройида машҳур партия арбоби С.М. Киров ҳам худди шундай сценарийда, “маиший асос”да чекистлар ёрдамида бир “жабрдийда” томонидан ўлдирилиши ҳолати кишини ҳануз ўйлантиради. Совет режимининг махсус хизмати ходимлари гўёки ўзбек шоирининг ўлимини уюштиришдаги “тажрибаси”дан Ленинградда ва Совет Иттифоқининг бошқа жойларида кейинчалик унумли фойдаланганлар. Бу воқеалар бизга тарихнинг аччиқ сабоғи бўлиб қолади. Бу сабоқлар эса ҳеч қачон унутилишга маҳкум эмас.

## ТАРИХ

алоқадорликда айбланиб, 1929 йил ёзида ноҳақ равишда жазога тортилди. Қатағон қиличи фақат Фарғона водийсидаги уламоларга қарши қаратилмади. Айнан 1929 йилда Бухородаги бир гуруҳ уламолар ва муллалар ҳам Ҳамзанинг ўлдирилишига алоқадор кишилар сифатида қамоққа олинди ва отиб ташланди. Кўпчилик уламолар сургун қилинди. “Бешариқ иши”, “Кармана иши”, “Уламолар иши” каби турлитуман сиёсий ишлар тўқиб чиқарилди ҳамда ўзбек халқининг кўплаб асл фарзандлари совет режими томонидан қатағон қилинди.

Афсуски, Ўзбекистонда сўнги 100 йил ичида Ҳамзага муносабат бир неча марта ўзгарди. Совет ҳокимияти йилларида ҳам, мустақиллик даврида ҳам айрим маддоҳлар ва

мафкурачилар шоирнинг номи ва ишларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб, уни аввалдан тайёрланган маълум бир қолипга солишди. Ўзбек адабиётига жадид шоири сифатида кириб келган, кейинчалик коммунистик мафкурани ўз ихтиёри билан қабул қилган, бироқ миллий шоир сифатида халқ қалбида ва адабиёт тарихида абадий қолган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий фаолияти баъзан унутилди, баъзан эса илоҳийлаштирилди. Давр маддоҳлари гоҳ Ҳамзани улуглаб кўкларга кўтаришса, тузум ўзгаргандан кейин айнан яна уларнинг ўзи буюк шоирни тупроққа қориштиради. Ўзбек халқи ўз фарзанди Ҳамза хотираси олдида қачон ҳурматини бажо келтириши ҳам номаълумлигича қолмоқда.

## Адабиётлар:

1. Абдулаҳатов Н., Ғозиев Т. Шоҳимардон. – Т.: Янги аср авлоди, 2010.
2. Абдулаҳатов Н., Жабборов С., Абдуллаев А. Фарғона азизлари тақдири (аждоғлар ёди). –Т.: Abu matbuot-konsalt, 2012.
3. Каримов Н. Адабиёт ва тарихий жараён (Адабий-танқидий мақолалар). – Т.: Mumtoz so'z, 2013.
4. Каримов Н. Ҳамзани ким ўлдирган ёхуд Шоҳимардоннинг қора баҳори // Ёшлик. 1991. № 10. – Б. 50-59.
5. Турсунқулов Ҳ. Ҳаётим қиссаси // Қ. Узоқов таҳрири остида. –Т.: ЎзССР Давлат бадиий нашриёти, 1960.
6. Шарқ ҳақиқати. 1929 йил, 9 июнь.
7. Шералиев М. Шоҳимардон ҳақида ўйлар. – Фарғона, 1993.
8. Янги Фарғона. - 1929 йил, 1 май.
9. Янги Фарғона. - 1929 йил, 7 июнь.
10. Ўзбекистон МДА, Р-1714-фонд, 3-рўйхат, 327-иш, 592-594-варақлар.
11. Ўзбекистон МДА, Р-1714-фонд, 3-рўйхат, 327-иш, 407-варақ.
12. Ўзбекистон МДА, Р-1714-фонд, 3-рўйхат, 327-иш, 592-варақ.
13. Ўзбек совет энциклопедияси. Том 11. – Т.: Ўзбек совет энциклопедияси Бош редакцияси, 1978.
14. Қаямов Л. Ҳамза (Ижтимоий ва ижодий фаолияти ҳақида илмий-бадиий лавҳалар). – Т.: Ёш гвардия, 1989.
15. Қизил Ўзбекистон. -1929 йил, 10 июнь.
16. Ҳамза. Мукамал асарлар тўплами. Тўрт томлик. Том IV. – Т.: Фан, 1981.